

Аллоҳ билан унсу улфат бўлиш

05:00 / 01.03.2017 4513

АЛЛОҲ БИЛАН УНСУ УЛФАТДА БЎЛИШ ВАЛИЙ ЗОТЛАРГА БЕРИЛГАН НЕЪМАТДИР:

Аҳмад ибн Ҳанбал агар тунда ибодат билан бедор бўлмайдиган талабани кўрсалар уни таълим олишдан тўхтатардилар. Тунларнинг бирида у кишининг хузурларида Абу Исмаил номли бир киши бирга қолди. Имом унинг таҳорати учун сув қўйдилар. Кейин бомдод намозига азон айтилишидан олдин келсалар уни ухлаган ҳолда топдилар. Сув эса қандай қўйган бўлсалар шу ҳолида турар эди. Уни имом уйғотдилар ва: "Эй Абу Исмаил! Бу ерга нима учун келгансан?" десалар, у: "Мен бу ерга ҳадис талабида келганман", деди. Имом: "Сенда таҳажжуд ўқиш одати йўқ экан, қандай қилиб ҳадис талаб қиласан, қаердан келган бўлсанг шундай кетавергин", дедилар.

Имом Шофеъий: "Олим кишининг ўзи билан Аллоҳ орасида беркитган солиҳ амали бўлиши лозим. Одамларга кўринган илм ёки амални охирада фойдаси оздир", дедилар.

Бир киши туш кўриб: "Аллоҳ илмим сабабли гуноҳларимни мағфират қилди. Бундай одамлар озчиликни ташкил қилар эди", деди. (Имом Нававийнинг "Муқаддиматул мажмуъ" китобидан)

Абу Сулаймон Дороний: "Агар тун бўлмаганида мен дунёда қолишни хуш кўрмас эдим", дедилар.

Али ибн Баккор: "Қирқ йилдан бери мени фақат тонг отиши ҳафа қилади холос", дедилар.

Сиррий: "Фойдаларни туннинг зулматли қисмида таралашини кўрдим", дедилар.

Фузайл ибн Иёз: "Агар Қуёш ботса, Роббим билан қоронғуликда холи қолишимдан шод бўлдим. Агар Қуёш чиқса одамлар хузуримга киришидан маҳзун бўлдим", дедилар.

Абу Сулаймон: "Тунда ибодат қилувчилар бефойда тунни ўтказувчилардан кўра вақти мароқлидир. Агар тун бўлмаганида мен дунёда қолишни хуш

кўрмас эдим", дедилар.

Ибн Мункадир: "Дунёдаги лаззатдан фақат уч нарса қолди холос: Тундаги бедорлик, биродарлар билан суҳбатлашиш ва жамоат билан намоз ўқиш", дедилар.

Олимлардан бири: "Туннинг келиши муҳаббат аҳлининг наздида худди Яъқубнинг кўз ўнгида турган Юсуфнинг кўйлагига ўхшайди", деди.

Тунги намоз унсу улфат ва неъмат бўлиб, уни фақат Аллоҳга яқин бўлган зотлар билишади холос.

Ким тунги ибодат лаззатини тотса, уни билади. Ким билса татий олади.

Аллоҳим! Бизларни ҳам тунги ибодатда қоим бўладиганлар қаторида қилгин!

Манба: www.islom.uz

Таржимон: Анвар Аҳмад